



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2023 yil « 10 » октябрь

№ ПК-330

Йўл хўжалиги соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Йўл хўжалигини бошқаришнинг замонавий тизimini яратиш ва рақамлаштириш, соҳада сифат назоратини кучайтириш ва манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш, хусусий сектор корхоналарини кенг жалб қилиш учун шароит яратиш ҳамда бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида:

1. Қуйидагилар йўл хўжалиги соҳасини ислоҳ қилиш ва янада ривожлантириш жараёнларининг асосий иштирокчилари ва уларнинг вазифалари этиб белгилансин:

Транспорт вазирлиги — йўл хўжалиги соҳасида ягона давлат сиёсатини юритади, кадрлар тайёрлаш, илғор хорижий тажрибалар асосида стандартларни жорий этиш ва назорат тизimini такомиллаштиришни таъминлайди ҳамда соҳада изчил ислохотларни амалга оширади;

Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитаси — автомобиль йўллари ва сунъий иншоотларни лойиҳалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ҳамда умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини сақлаш ва табиий офатларнинг олдини олиш, уларнинг оқибатларини бартараф этиш бўйича ягона буюртмачи ҳисобланади, умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини таъмирлаш, сақлаш ва жиҳозлаш, йўл бўйи инфратузилмасини ривожлантириш ишларини амалга оширади ҳамда йўл хўжалиги соҳасига замонавий технологияларни жорий этади;

Транспорт назорати инспекцияси – йўл-қурилиш объектларида шаҳарсозлик тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига риоя этилиши ҳамда автотранспорт воситаларининг рухсат этилган **вазн ва габарит параметрларига риоя этилиши** устидан давлат назоратини амалга оширади;

маҳаллий ҳокимликлар – шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктлари кўчалари ҳамда ички хўжалик йўлларини **сақлаш**, умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари, шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктлари кўчалари ҳамда ички хўжалик йўллари бўйларини кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ҳамда **йўл бўйи инфратузилмасини ривожлантириш** ишларини амалга оширади;

мустақил муҳандис консультантлар – йўл қурилиши объектларида лойиҳани **муҳандислик бошқариш** ва **техник назорат қилиш** ишларини Халқаро муҳандис-консультантлар федерацияси (FIDIC) амалиёти ва ҳужжатларига мувофиқ амалга оширади;

лойиҳа ва пудрат ташкилотлари – “**Шаффоф қурилиш**” миллий ахборот тизими ҳамда **Давлат харидлари электрон тизими** орқали ўтказиладиган харид қилиш тартиб-таомиллари якунлари бўйича умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини лойиҳалаштириш, қуриш ва реконструкция қилиш, шунингдек, шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктлари кўчаларини лойиҳалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишларини амалга оширади;

Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаментининг Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати – йўл ҳаракати қатнашчиларининг йўл ҳаракати хавфсизлигига риоя этилиши устидан **назоратни амалга оширади**, шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктлари кўчаларини йўл ҳаракатини тартибга солиш воситалари билан жиҳозлаш ишларини **таъминлайди**, шунингдек, умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини йўл ҳаракатини тартибга солиш воситалари билан жиҳозлаш ишларини ўрнатилган тартибда **мувофиқлаштиради**.

2. Йўл ишларига ажратилаётган маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2024 йил 1 январдан бошлаб:

автомобиль йўлларида бажариладиган иш турлари қуриш ва реконструкция қилиш, таъмирлаш ҳамда сақлашдан иборат бўлади;

лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш, йўл-қурилиш ишларини амалга ошириш, шунингдек, уларни қабул қилиб олишда ҳажм ва сифат кўрсаткичларини назарда тутадиган тизим (“ҳажм услуби”) жорий этилади;

автомобиль йўллари қуриш ва реконструкция қилиш ишлари якунланган объектларнинг асосий конструктив элементлари бўйича камида **уч йиллик кафолатли хизмат қилиш муддати** жорий қилинади;

йилнинг ҳарорат юқори бўлган вақтларида автомобиль йўлларида юк ташувчи транспорт воситалари ва автопоезд (тиркама)ларнинг (махсус транспорт воситаларидан ташқари) **ҳаракатланишига мавсумий чекловлар ўрнатилади.**

3. Транспорт вазирлиги ва Автомобиль йўллари қўмитасининг қуйидаги таклифлари маъқуллансин:

а) халқаро аҳамиятдаги М39 “Тошкент–Термиз” автомобиль йўлининг “Тошкент–Чиноз” йўналишидаги 817–827 км қисмини **илғор хорижий технологиялар** ва замонавий халқаро стандартлар асосида цемент-бетон қоплама қурган ҳолда реконструкция қилиш лойиҳасини амалга ошириш ишларини жорий йилда бошлаш;

б) халқаро молия институтлари иштирокидаги лойиҳалар доирасида автомобиль йўллари, шу жумладан умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари юқори тезликда ҳаракатланишга оид **халқаро талабларга** мувофиқ лойиҳалаштириш, қуриш ва реконструкция қилиш ишларини амалга ошириш ҳамда келгусида ушбу йўлларга муқобил йўллар мавжуд бўлганда, Вазирлар Маҳкамаси қарори билан **“пуллик йўллар” тоифасига ўтказиш.**

Бунда, **“пуллик йўллар”дан олинган даромадларни** тақсимлаш ва ушбу йўлларни бошқариш масалалари Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади;

в) 2024–2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурини шакллантиришда умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари, кўприklar ва сунъий иншоотларни қуриш, реконструкция қилиш бўйича **аввалги йиллардан ўтиб келаётган объектларни устувор равишда якунлашни назарда тутиш;**

г) янгидан бошланадиган умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари, кўприklar ва сунъий иншоотларни қуриш, реконструкция қилиш объектларини молиялаштиришни асосан **халқаро молия институтлари маблағлари** ҳисобига амалга ошириш.

Бунда, 2024 йилдан бошлаб ҳар йили **халқаро молия институтларидан** умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари, кўприklar ва сунъий иншоотларни қуриш, реконструкция қилиш объектларига **300 млн АҚШ долларидан кам бўлмаган** миқдорда кредитлар жалб қилиб бориш;

д) автомобиль йўллари қуриш ва реконструкция қилиш ишлари бўйича лойиҳаларнинг техник топшириқларини мажбурий равишда Транспорт вазирлигининг соҳавий илмий-техник кенгашига киритиш.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2025 йил 1 январдан бошлаб янгидан бошланадиган йўл-қурилиш объектларида лойиҳани муҳандислик бошқариш ва техник назорат қилиш ишлари аутсорсинг шартлари асосида **Халқаро муҳандислар-консультантлар федерацияси (FIDIC)** амалиёти ва ҳужжатларига мувофиқ мустақил ташкилотлар, шу жумладан хусусий сектор томонидан амалга оширилади.

5. Қуйидагилар:

Йўл хўжалиги тизимини янада такомиллаштириш бўйича **“Йўл харитаси” 1-иловага** мувофиқ;

Пуллик автомобиль йўллари ташкил этишнинг истиқболли лойиҳалари рўйхати 2-иловага мувофиқ;

Халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари ҳамда бошқа кредит муассасалари маблағлари ҳисобига автомобиль йўллари қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича амалга ошириладиган **лойиҳалар рўйхати 3-иловага** мувофиқ;

2023 – 2026 йилларда **кўприк иншоотларини тиклаш Дастури 4-иловага** ва уни амалга ошириш бўйича ҳар бир ҳудуд кесимидаги асосий параметрлар **4.1 – 4.13-иловаларга** мувофиқ ҳамда 2023 – 2026 йилларда автомобиль йўллари қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш **Дастури (кейинги ўринларда – Дастурлар) 5-иловага** мувофиқ ва уни амалга ошириш бўйича ҳар бир ҳудуд кесимидаги асосий параметрлар **5.1 – 5.14-иловаларга** мувофиқ;

2023 – 2026 йиллар давомида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўйича **йўл инфратузилмасини комплекс такомиллаштириш параметрлари 6-иловага** мувофиқ;

2023 – 2026 йиллар давомида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўйича **йўл бўйи инфратузилмасини ривожлантириш параметрлари 7-иловага** мувофиқ;

2023 – 2026 йилларда умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари **кўкаламзорлаштириш ишларининг йиғма параметрлари 8-иловага** мувофиқ ҳамда 2023 – 2026 йилларда умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари бўйида **“яшил белбоғ” ташкил этиладиган объектларнинг манзилли рўйхати 8.1-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

6. Транспорт вазирлиги, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги 2023 йил 31 декабрга қадар Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан автомобиль йўллари, кўприklar ва сунъий иншоотларни лойиҳалаштириш (шу жумладан, техник-иқтисодий асосларини ишлаб чиқиш), қуриш ва реконструкция қилиш бўйича лойиҳа-қидирув ҳамда қурилиш-пудрат ташкилотларини **“Шаффоф қурилиш”** миллий ахборот тизимида баҳолаш мезонлари такомиллаштирилишини таъминласин.

Бунда, Автомобиль йўллари қўмитаси буюртмачи бўлган объектларни лойиҳалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишларига ўтказиладиган тендерларда Қўмитанинг тизим корхоналарининг иштирок этишига рухсат берилсин.

7. Ўзбекистон Республикасининг “Автомобиль йўллари тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларининг кўчалари ҳамда хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўллари маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тасарруфида бўлиши маълумот учун қабул қилинсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари:

шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктлари кўчалари ҳамда ички хўжалик йўлларини лойиҳалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш, сақлаш, кўкаламзорлаштириш, ободонлаштириш ва суғориш тизимлари билан таъминлаш ҳамда йўл бўйи инфратузилмасини ривожлантириш ишларини амалга ошириш учун маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан **тизимли равишда маблағ ажратиб борилишини;**

автомобиль йўлларининг йўл бўйи минтақаларида сервис объектларини жойлаштириш ҳамда ажратилган минтақаларда яшил ҳудудларни барпо этиш ва уларни лозим даражада сақлаш бўйича жисмоний ва юридик шахслар билан **ўзаро манфаатли ҳамкорлик амалга оширилишини;**

маҳалла фуқаролар йиғинлари билан биргаликда таъмирланган ички хўжалик йўлларини **асраш**, уларнинг **шикастланишининг олдини олиш** чораларини кўриш, йўлларнинг атрофини **кўкаламзорлаштириш** ва **ободонлаштириш** ишлари амалга оширилишини;

умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари, шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктлари кўчаларининг ажратилган йўл бўйи минтақаларида ноқонуний қурилган бино-иншоотларнинг **2024 йил якунига қадар** ўрнатилган тартибда босқичма-босқич кўчирилишини ҳамда ажратилган йўл бўйи минтақалари ташқарисида жойлашган бино-иншоотларга кириб-чиқиш йўлларининг шаҳарсозлик нормаларига мос равишда қайта қурилишини таъминласин.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги икки ой муддатда шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктлари кўчалари ҳамда ички хўжалик йўлларини лойиҳалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш, сақлаш, кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш, суғориш тизимларини барпо этиш, йўл бўйи инфратузилмасини ривожлантириш тадбирларини тизимли равишда маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштиришнинг аниқ механизмини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари бўйида яшил ҳудудларни барпо этиш доирасида Автомобиль йўллари қўмитаси таркибидаги **“Ўзйўлкўкаламзорлаштириш” давлат муассасасининг ҳудудий бўлинмалари** 9-иловага мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари тасарруфига ўтказилсин.

9. Адлия вазирлиги Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, Транспорт вазирлиги билан биргаликда **уч ой муддатда** автомобиль йўллари бўйида юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик асосида яшил ҳудудларни барпо этиш тартибини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

10. Транспорт вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоят ҳокимликлари билан биргаликда **2024 йил 1 январдан** бошлаб тажрибасинов тариқасида **Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда** **ўзунлиги 20 кмгача** бўлган умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини эксплуатация қилиш ишларига аутсорсинг асосида хусусий секторни жалб қилиш лойиҳаларини **10-иловага** мувофиқ;

Осиё инфратузилма инвестициялари банкidan жалб қилинадиган имтиёзли кредит маблағлари ҳисобидан **Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида** умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари бўйича лойиҳаларни “лойиҳалаш – қуриш – эксплуатация қилиш” услубини жорий қилган ҳолда **11-иловага** мувофиқ амалга оширсин;

мазкур бандда қайд этилган лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилган тақдирда, мазкур тажрибани республикада кенг жорий қилиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

11. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Автомобиль йўллари қўмитаси билан биргаликда:

умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари **эксплуатация қилиш харажатларига** ажратилаётган маблағларни амалдаги меъёрий ҳужжатларда кўзда тутилган талабларга нисбатан **2024 йилда 40 фоизга**, келгуси **5 йилда 80 фоизга етказишни** ҳамда Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда ушбу миқдордан кам бўлмаган маблағлар ажратилишини таъминласин;

Автомобиль йўллари қўмитаси корхоналари томонидан бажарилган йўл ишлари натижасида юзага келган **1,4 трлн сўм** миқдоридаги дебиторлик қарздорликлар босқичма-босқич тўланиши бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

12. Автомобиль йўллари қўмитасининг марказий аппарати тузилмасига раиснинг йўл хўжалиги соҳасига илғор хорижий тажрибаларни татбиқ этиш ва рақамлаштириш масалалари бўйича ўринбосари лавозими киритилсин ҳамда соҳага илғор хорижий тажрибаларни татбиқ этиш бўйича тегишли бошқарма ташкил этилсин.

Бунда, ушбу штат бирликлари “Ўзйўлкўкаламзорлаштириш” давлат муассасасининг тугатилиши назарда тутилган штат бирликлари ҳисобидан ажратилсин.

Автомобиль йўллари қўмитасининг ташкилий тузилмаси **12-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

13. Автомобиль йўллари қўмитаси таркибида:

“Қўйлиқ кўприklar темир-бетон қурилмалари тажриба заводи”, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги “Кўприklarдан фойдаланиш корхоналари” негизида давлат муассасаси шаклидаги **“Ўзйўлкўприк” кластери** ва унинг ҳудудий филиаллари;

“Йўл лойиҳа экспертиза”, “Йўл хўжалиги соҳасидаги давлат активларини бошқариш ва ягона кадастр тизимини юритиш”, “Автомобиль йўлларида транспорт воситаларининг хавфсиз ҳаракатини ташкил этиш ва мониторинг қилиш” марказлари негизида **“Автомобиль йўллари техник ҳолати таҳлили ва ҳаракат хавфсизлиги маркази”** давлат муассасаси ташкил этилсин.

14. Вазирлар Маҳкамаси **икки ой муддатда** рухсат этилган умумий массаси (юк билан) **44 тоннадан ортиқ** бўлган N3 ва O4 тоифадаги транспорт воситаларининг (махсус транспорт воситалари ва карьер самосваллари бундан мустасно) йўлларда ҳаракатланиши ва импортини тартибга солишни назарда тутувчи қарорни қабул қилсин.

15. Белгилансинки:

2024 йилдан бошлаб хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўллари, шаҳарлар, шаҳар посёлкалари, қишлоқлар ва овўллар кўчаларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш учун бюджет маблағлари фақат **“Менинг йўлим” дастури** орқали ажратилади;

“Менинг йўлим” дастури доирасида хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўллари, шаҳарлар, шаҳар посёлкалари, қишлоқлар ва овўллар кўчаларини лойиҳалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишларига буюртмачи бўлиб Автомобиль йўллари қўмитаси таркибидаги Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги минтақавий йўлларга буюртмачи хизматлари ҳисобланади.

16. Автомобиль йўллари қўмитаси таркибидаги корхоналарнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида умумий қиймати 28,2 млн евро бўлган харид қилинадиган махсус йўл техникалари рўйхати 13-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

“Ўзмиллийбанк” АЖ, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Транспорт вазирлиги, Автомобиль йўллари қўмитаси **бир ой муддатда:**

махсус йўл техникаларининг Автомобиль йўллари қўмитаси таркибидаги “Ўзйўлбўтлаш” республика таъминот бошқармаси орқали Германиянинг нуфузли компанияларидан харид қилинишини;

лойиҳа қийматининг 85 фоизини Германия Федератив Республикаси банкларининг имтиёзли кредит маблағлари ҳисобидан, 15 фоизини Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил учун ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида ушбу мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар ҳисобидан молиялаштириш тартибини белгиловчи қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

17. Транспорт вазирлиги ва Автомобиль йўллари қўмитасининг барча манбалар ҳисобидан амалга ошириладиган автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш объектларида йўл қопламалари конструкцияларига замонавий материаллар ва технологияларни қўллаган ҳолда қийматни оптималлаштириш ҳисобига ҳамда тендер натижаларига кўра иқтисод қилинган маблағларни таъмирталаб йўлларга йўналтириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Бунда:

транспорт вазири И.Р. Махкамов ва Автомобиль йўллари қўмитаси раиси Ж.Ю. Турсунов, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари автомобиль йўллари қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишларини лойиҳалашда, **техник топшириқ шартларини** ишлаб чиқишда намунавий андозалардан воз кечилиб, ҳар бир лойиҳага алоҳида ёндашув асосида уларнинг қимматлашувининг олдини олишга;

қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири Б.И. Зокиров автомобиль йўллари қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари лойиҳаларини **давлат экспертизасидан ўтказишда** йўл қопламалари конструкцияларига замонавий материаллар ва технологияларни қўллаган ҳолда қийматни оптималлаштиришга алоҳида эътибор қаратсин.

18. Белгилансинки:

Автомобиль йўллари қўмитасининг идоравий мансуб корхона ва ташкилотлари ўртасида товарларни сотиш, харид қилиш ва етказиб бериш, хизматлар кўрсатиш ҳамда ишларни бажариш танлов ва тендер савдолари ўтказмасдан амалга оширилади (бўйртмачилик функцияларини бажариш билан боғлиқ шартномалар бундан мустасно);

Автомобиль йўллари қўмитасининг идоравий мансуб корхона ва ташкилотлари ўртасида асосий воситаларнинг беғараз ўтказилишида (олинишида ва берилишида) улар фойда солиғи тўлашдан озод этилади;

Автомобиль йўллари қўмитаси таркибидаги корхона ва ташкилотларнинг 2022 – 2023 йиллар якунлари ва келгуси йиллардаги молия-хўжалик фаолияти бўйича соф фойдаси миқдори тўлиқлигича тизим корхона ва ташкилотлари тасарруфида қолдирилади ҳамда устувор равишда уларнинг моддий-техника базасини ривожлантириш учун йўналтирилади.

19. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Транспорт вазирлигининг Автомобиль йўллари қўмитаси таркибига кирувчи корхона ва ташкилотларнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига **2023 йил 1 октябрь** ҳолатига кўра мавжуд қарздорликларини, жумладан ҳисобланган пеня ва жарималарни, шунингдек, ундирилиши умидсиз бўлган қарздорликларини ва пудрат шартномалари бўйича автомобиль йўллари қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш объектларининг фойдаланишга ўз вақтида топширилмаганлиги сабабли ҳисобланган пеня ва жарима санкцияларини кечиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига 14-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

21. Транспорт вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ўшбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

22. Қуйидагиларга:

Бош вазир ўринбосари А.Ж. Раматовга – Дастурлар ва “йўл харитаси”да белгиланган чора-тадбирларни муддатида ва сифатли амалга оширилишининг мувофиқлаштирилиши, жумладан аввалги йиллардан ўтиб келаётган объектларнинг белгиланган муддатларда фойдаланишга топширилиши ҳамда йўл-қурилиш объектларига ажратилаётган маблағлардан самарали фойдаланиш юзасидан;

Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчқоровга – Дастурлар, “йўл харитаси” ва умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини кўкаламзорлаштириш ишлари йиғма параметрлари, пуллик автомобиль йўлларини ташкил этиш лойиҳалари ижросини таъминлаш ҳамда эксплуатация қилиш харажатлари учун Давлат бюджетидан зарур маблағларнинг белгиланган муддатларда ва тўлиқ ҳажмларда ажратилиши юзасидан;

Бош прокурор ўринбосари С.И. Самадовга – Дастурлар ва ҳудудлар кесимидаги асосий параметрлар доирасида маблағларнинг мақсадли ажратилиши ва сарфланиши устидан доимий назорат ўрнатиш юзасидан;

транспорт вазири И.Р. Махкамовга – Дастурлар ва “йўл харитаси”да белгиланган чора-тадбирларнинг ўз муддатида ва сифатли амалга оширилиши, жумладан илғор хорижий тажрибалар асосида стандартларни жорий этиш, автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишларида сифат назоратининг Халқаро муҳандислар-консультантлар федерацияси (FIDIC) амалиёти ва ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилиши юзасидан;

инвестициялар, саноат ва савдо вазири Л.Ш. Қудратовга – Дастурлар, “йўл харитаси”, пуллик автомобиль йўлларини ташкил этиш лойиҳалари, халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари ҳамда бошқа кредит муассасалари маблағлари ҳисобига автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича амалга ошириладиган лойиҳалар учун хорижий инвестиция ва имтиёзли кредит маблағларининг белгиланган муддатларда жалб этилиши юзасидан;

ички ишлар вазири П.Р. Бобожоновга – Дастурлар ва “йўл харитаси”да белгиланган чора-тадбирларнинг ўз муддатида ва сифатли амалга оширилиши, жумладан автомобиль йўлларида юк ташувчи транспорт воситалари ҳаракатланишида ўрнатиладиган чекловларга риоя этилиши ҳамда йўл ҳаракати қатнашчиларининг ҳаракат хавфсизлиги устидан назорат амалга оширилиши юзасидан;

Автомобиль йўллари қўмитаси раиси Ж.Ю. Турсуновга – Дастурлар ва “йўл харитаси”да белгиланган чора-тадбирларнинг ўз муддатида ҳамда сифатли амалга оширилиши, соҳага илғор рақамли технологиялар жорий этилиши, автомобиль йўлларини лойиҳалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш объеклари таннари оптималлаштирилиши, йўлларнинг жиҳозланиши, кадрлар тайёрланиши, йўл хўжалиги соҳасига оид норматив-ҳуқуқий база такомиллаштирилиши юзасидан;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларига – Дастурлар ва ҳудудлар кесимидаги асосий параметрлар, “йўл харитаси”да белгиланган чора-тадбирлар, автомобиль йўллари бўйини кўкаламзорлаштириш ишлари йиғма параметрлари ижросининг белгиланган муддатларда ва сифатли бажарилиши ҳамда маҳаллий бюджетлардан талаб этиладиган маблағларнинг ўз муддатида ва тўлиқ ҳажмда ажратиб борилиши юзасидан **шахсий масъулият юклансин.**

23. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосари А.Ж. Раматов, транспорт вазири И.Р. Махкамов ва Автомобиль йўллари қўмитаси раиси Ж.Ю. Турсунов белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**



Ш.Мирзиёев

Тошкент шаҳри

Йўл ҳўжалиги тизимини янада такомиллаштириш бўйича
“ЙЎЛ ХАРИТАСИ”

T/р	Чора-тадбирлар номи	Ижро мўддати	Масъул ижрочилар
I. Лойиҳалаштиришнинг янги тизими ва сифат таъминотини яхшилаш			
1.	Янги бошланадиган объектларда йўл-қурилиш ишлари бўйича лойиҳани муҳандислик бошқариш ва техник назорат ишлари аутсорсинг шартлари асосида Халқаро муҳандислар-консультантлар федерацияси (FIDIC) амалиёти ва ҳужжатларига мувофиқ мустақил ташкилотлар, шу жумладан, хусусий сектор томонидан амалга оширишни ташкил этиш мақсадида маҳаллий муҳандис-консультантлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш ҳамда уларни “FIDIC” сертификатлари билан таъминлаш чораларини кўриш.	2024 йил сентябрь	Транспорт вазирлиги, Автомобиль йўллари қўмитаси, манфаатдор вазирлик ва идоралар
2.	Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Транспорт назорати инспекциясининг йўл қурилиши ишлари сифатини назорат қилувчи инспекторлари “муҳандис-консультант” сифатида фаолият юритиши учун уларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш ҳамда “FIDIC” сертификатлари билан таъминлаш чораларини кўриш.	2024 йил октябрь	Транспорт вазирлиги, Автомобиль йўллари қўмитаси, Транспорт назорати инспекцияси
3.	Янги бошланадиган объектларда Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Транспорт назорати инспекциясининг йўл қурилиши ишлари сифатини назорат қилувчи инспекторларининг буюртмачилар билан шартнома асосида ҳажм ўсулида ишларни қабул қилишда “муҳандис-консультант” сифатида фаолият юритишини таъминлаш.	2024 йилдан бошлаб	Транспорт вазирлиги, Автомобиль йўллари қўмитаси, Транспорт назорати инспекцияси
4.	Автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва сақлаш ишларини, шунингдек, қўлланадиган материал ва маҳсулотларга талабларни белгиловчи тегишли техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни халқаро стандартлар асосида қайта ишлаб чиқиш. Мазкур тадбирларни амалга ошириш учун 2024 йил ва келгуси йилларда Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда зарур маблағлар ажратилишини таъминлаш.	2024–2026 йиллар	Транспорт вазирлиги, Автомобиль йўллари қўмитаси, Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Қурилиш ва уй-жой коммунал ҳўжалиги вазирлиги

5.	Ўзбекистон Республикасининг инвестиция дастурлари доирасида халқаро молия институтлари иштирокида янги бошланадиган лойиҳаларни амалга ошириш учун лойиҳаларнинг техник-иқтисодий асоси, ишчи ҳужжатлари , лойиҳаларнинг экологик ва ижтимоий таъсирини баҳолаш, ер ажратиш ва кўчириш ҳисоботлари (Due Diligence) бир вақтнинг ўзида ишлаб чиқиши учун зарур маблағлар ажратилишини таъминлаш.	Тасдиқланган графиклар асосида	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Транспорт вазирлиги, Автомобиль йўллари қўмитаси
6.	Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари, шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктлари кўчаларини ҳамда сунъий иншоотларни қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишларининг лойиҳа ва лойиҳаолди ҳужжатларини ҳар бир ҳудуднинг геологик ва экологик хусусиятини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқишни таъминлаш.	Тасдиқланган графиклар асосида	Автомобиль йўллари қўмитаси, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги
7.	Янгидан бошланадиган умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари, кўприклар ва сунъий иншоотларни қуриш, реконструкция қилиш объектларининг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишда қурилиш минтақасига тушган дарахтларни кўчириш, экологик экспертизадан ўтказиш ҳамда тегишли ер участкаларини ажратиш ва уларнинг тоифаларини белгилаш билан боғлиқ харажатларни назарда тутиш.	Тасдиқланган графиклар асосида	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Транспорт вазирлиги, Автомобиль йўллари қўмитаси
8.	Совуқ асфальт-бетон маҳсулотини оммавий ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш.	2024 йил июнь	Автомобиль йўллари қўмитаси
II. Автомобиль йўллари жихозлаш ва йўл бўйи инфратузилмасини ривожлантириш			
9.	Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллариининг техник ҳолатини илғор ахборот технологияларини қўллаган ҳолда таҳлил қилиш, автомобиль йўллари активларини бошқариш ва ягона кадастр тизимини юритиш, вазн ва ҳажм назорат пунктларини ташкил этиш ва сақлаш ишларини амалга ошириш мақсадида Автомобиль йўллари қўмитаси таркибида умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллариини сақлаш ишларига ажратилаётган маблағлар ҳисобидан молиялаштириладиган давлат муассасаси шаклидаги 55 нафар бошқарув ходимидан иборат Автомобиль йўллари техник ҳолати таҳлили ва ҳаракат хавфсизлиги маркази фаолиятини самарали ташкил этиш.	2023 йил октябрь	Транспорт вазирлиги, Автомобиль йўллари қўмитаси, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги
10.	Автомобиль йўллари қўмитаси таркибида ташкил этилган Автомобиль йўллари техник ҳолати таҳлили ва ҳаракат хавфсизлиги маркази билан Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати маълумотлар базасини интеграция қилиш.	2024 йил февраль	Ички ишлар вазирлиги, Транспорт вазирлиги, Автомобиль йўллари қўмитаси
11.	Автомобиль йўлларига 50 минг дона йўл белгисини ўрнатиш , ҳайдовчиларни огоҳлантириш учун тебраниш горизонтал чизиқларини жорий этиш.	2023–2025 йиллар	Транспорт вазирлиги, Автомобиль йўллари қўмитаси

12.	Автомобиль йўллари бўйида яшил ҳудудларни барпо этиш мақсадида 26,8 млн дон дарахт ва буталар, жумладан терак кўчатларини экиш ҳамда сақлаш борасида жисмоний ва юридик шахслар билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйиш .	2023–2026 йиллар	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари
13.	Халқаро молия институтлари маблағларини жалб қилган ҳолда цемент-бетон қопламаларини тўлақонли синовдан ўтказиш учун 3 та ускуналар комплектини харид қилиш.	2024–2026 йиллар	Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Автомобиль йўллари қўмитаси, Транспорт вазирлиги
III. Хусусий сектор иштирокини таъминлаш ва “пуллик йўллар” тизимини жорий этиш			
14.	Осиё инфратузилма инвестициялари банкидан жалб қилинадиган имтиёзли кредит маблағлари ҳисобидан Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини “Лойиҳалаш–қуриш–эксплуатация қилиш” усулини жорий қилган ҳолда пилот лойиҳаларни амалга ошириш .	2024 йилдан бошлаб	Автомобиль йўллари қўмитаси, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Транспорт вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Хоразм вилояти ҳокимлиги
15.	Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини эксплуатация қилиш ишларини аутсорсинг асосида хусусий сектор томонидан амалга оширишни ташкил этиш тартибини ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2023 йил декабрь	Транспорт вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Автомобиль йўллари қўмитаси
16.	Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида камида 100 км узунликдаги автомобиль йўлларини, жумладан йирик шаҳарларни айланиб ўтувчи автомобиль йўлларини давлат-хусусий шериклик тамойили асосида қуриш бўйича аниқ таклифларни ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2023 йил ноябрь	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари

17.	Тошкент-Самарқанд пуллик автомобиль йўлини қуриш лойиҳасининг техник-иқтисодий асосларини ишлаб чиқиш ишларини якунига етказиш бўйича топогеодезия, геология ва бошқа турдаги муҳандислик-техник тадқиқот ишлари амалга ошириш. Бунда, лойиҳанинг топогеодезия, геология ва бошқа турдаги муҳандислик-техник тадқиқот ишларини амалга ошириш бўйича буюртмачи ташкилот этиб – Автомобиль йўллари қўмитасининг “Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари қуриш ва реконструкция қилиш дирекцияси” ДУК ҳамда лойиҳа ташкилоти этиб – “ЎзгашКЛИТИ” ДУКни белгилаш. Яқунланган тадқиқот ишлари натижаларини “Proyapi Engineering & Consultancy” (Туркия) компаниясига тақдим этиш. Тадқиқот ишларини бажариш учун зарур маблағларни 2023 йил ва келгуси йиллар учун ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида ажратиш.	2023 йил октябрь – 2024 йил февраль	Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Транспорт вазирлиги Автомобиль йўллари қўмитаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги
IV. Кўприк ва бошқа сунъий иншоотларни тиклаш			
18.	Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларида жойлашган кўприк ва бошқа сунъий иншоотларни таъмирлаш ҳамда техник соз ҳолатда сақлаш мақсадида лойиҳалаш – тиклаш – эксплуатация қилиш ишларини амалга оширувчи Автомобиль йўллари қўмитаси таркибида “Ўзйўлкўприк” кластери ҳамда унинг ҳудудлардаги юридик шахс мақомига эга бўлган филиаллари фаолиятини самарали ташкил этиш. Бунда, диагностика қилиш натижаларига асосан аниқланадиган авария ҳолатидаги таъмирталаб кўприк ва бошқа сунъий иншоотларни лойиҳалаштириш, таъмирлаш ва тиклаш ишлари “Ўзйўлкўприк” кластери томонидан амалга оширилади.	2023 йил октябрь 2023 йил ноябрдан бошлаб	Транспорт вазирлиги, Автомобиль йўллари қўмитаси
19.	Республикадаги 14 675 та, жумладан Автомобиль йўллари қўмитаси тасарруфидаги 7 229 та, Сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги 1 247 та ва маҳаллий ҳокимликлар тасарруфидаги 6 199 та кўприк иншоотларини тўлиқ техник кўрикдан ўтказиш.	2023 йил декабрь	Транспорт вазирлиги, Автомобиль йўллари қўмитаси, Сув хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари

20.	Республикадаги 897 та авария ҳолатидаги кўприкларни босқичма-босқич тиклаш. Бунда, 2024 йил ва келгуси йилларда давлат бюджети параметрларини шакллантиришда республикадаги авария ҳолатидаги кўприкларни диагностика қилиш, лойиҳалаштириш, таъмирлаш ва тиклаш ишлари учун зарурий маблағларни алоҳида ажратган ҳолда (сатрда) кўрсатилишини таъминлаш.	2023–2026 йиллар	Транспорт вазирлиги, Автомобиль йўллари қўмитаси
V. Йўл ишларини молиялаштиришни такомиллаштириш			
21.	Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини эксплуатация қилиш харажатларига ажратилаётган маблағларни амалдаги меъёрий ҳужжатларда кўзда тутилган талабларга нисбатан 2024 йилда 40 фоизга, 2025 йилда 50 фоизга, 2026 йилда 60 фоизга, 2027 йилда 70 фоизга ва 2028 йилда 80 фоизга етказиш.	2024–2028 йиллар	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги
22.	Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини таъмирлаш ва сақлаш ҳамда табиий офат оқибатларини бартараф этиш, кўприк иншоотларини тиклаш ишларини бажаришда пудратчиларнинг бошқа харажатлари таркибида корхонанинг зарурий фойдасини 5 фоиздан кам бўлмаган миқдорда белгилаш ҳамда ушбу маблағларни корхоналарнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтириш.	Тасдиқланган графиклар асосида	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Транспорт вазирлиги, Автомобиль йўллари қўмитаси
23.	Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари, кўприклар ва йўл ўтказгичларни қуриш ва реконструкция қилиш лоийҳаларининг (объектларининг) рўйхатини тасдиқлаш.	ҳар йили 1 июнга қадар	Транспорт вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Автомобиль йўллари қўмитаси
24.	Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурининг умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари, кўприклар ва сунъий иншоотларни қуриш, реконструкция қилиш лойиҳаларининг (объектларининг) лойиҳаолди ва (ёки) лойиҳа ҳужжатлари камида 6 ой олдин ишлаб чиқилиши учун зарур бўлган маблағларни Автомобиль йўллари қўмитасига ажратиш.	ҳар йили 1 июлга қадар	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Автомобиль йўллари қўмитаси
25.	Йўл хўжалиги соҳасида янги инновацион ёндашувларни жорий этиш орқали иқтисодий самарадорликка эришиш: йўл асосини тайёрлашда “совуқ ресайклинг” технологиясидан фойдаланиш; автомобиль йўлларини қуриш ва таъмирлаш ишларида замонавий йўл қопламаси – чақиқтош мастикали асфальт-бетондан фойдаланиш; автомобиль йўлларини лойиҳалашда 3D сканер воситасида топогеодезия ишларини амалга ошириш; йўл тоифаларидан келиб чиқиб, уларнинг қоплама турини белгилаш.	2024 йилдан бошлаб	Транспорт вазирлиги, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Автомобиль йўллари қўмитаси

VI. Йўл хўжалиги соҳасини рақамлаштириш

26.	Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари ҳолатини баҳолаш ва мониторинг қилишни рақамли технологиялар орқали самарали ташкил этиш. Бунда, замонавий ахборот технологияларини қўллаган ҳолда умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари ва сунъий иншоотларининг ягона онлайн маълумотлар базасини яратиш, уларнинг техник ҳолатини мунтазам равишда мониторинг қилиб бориш ҳамда диагностика қилиш ва баҳолаш орқали таъмирлаш ишларини режалаштириш функцияларини ўз ичига оладиган дастурий таъминотни ишга тушириш.	2024 йил март	Автомобиль йўллари қўмитаси, Транспорт вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар
27.	Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизимида йўл хўжалиги соҳасида тендерларни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш. Бунда: Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан автомобиль йўллари, кўприklar ва бошқа сунъий иншоотларни лойиҳалаштириш (шу жумладан, техник-иқтисодий асосларни ишлаб чиқиш), қуриш ва реконструкция қилиш бўйича лойиҳа-қидирув ҳамда қурилиш-пудрат ташкилотларини аниқлашда баҳолаш тизимини; Йўл хўжалиги соҳасида электрон давлат харидларини ташкил этиш ва амалга ошириш ҳамда соҳада лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкилотлари рейтингини ҳисоблаш ва юритиш тартибини такомиллаштириш назарда тутилади.	2023 йил декабрь	Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги, Транспорт вазирлиги, Автомобиль йўллари қўмитаси
28.	Автомобиль йўллари қўмитасининг корхоналаридаги йўл техникалари, автотранспорт воситалари фаолияти назоратини рақамлаштириш мақсадида “GPS” кўзатув мосламаларини ўрнатиш ва ягона электрон базага интеграция қилиш.	2024 йилдан бошлаб	Автомобиль йўллари қўмитаси
29.	Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 44 та замонавий ўлчов тарозиларини, жумладан инсон омилисиз юк автомобилларини ҳаракат даврида уларнинг вазн ва ҳажм параметрларини автоматик равишда аниқловчи “WIM” тизимидаги тарозихоналарни ўрнатиш.	2024-2026 йиллар	Автомобиль йўллари қўмитаси, Транспорт вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги
30.	Соҳага ажратилаётган маблағларни тақсимлаш жараёнини, жумладан ҳар бир автомобиль йўлининг аҳамияти, тоифаси ва ундаги мавжуд йўл элементларидан келиб чиқиб, маблағлар тақсимотини рақамлаштириш.	2024 йилдан бошлаб	Автомобиль йўллари қўмитаси, Транспорт вазирлиги
31.	Автомобиль йўлларида рақамли (онлайн режимда) бошқариладиган инновацион йўл белгилари, паннолар ва кўрсаткичларни жорий қилиш.	2024 йилдан бошлаб	Автомобиль йўллари қўмитаси, Транспорт вазирлиги

32.	Автомобиль йўллари қўмитаси корхоналари тасарруфдаги ишлаб чиқариш ускуналари (асфальт-бетон, цемент-бетон қориштириш ва тош майдалаш) фаолиятини рақамлаштириш , бунда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажми ҳисобини юритиш, реал вақт режимида битум маҳсулоти захираларини ҳамда ишлаб чиқариш жараёнини онлайн режимда кузатиб бориш имкониятларини яратиш.	2024 йилдан бошлаб	Автомобиль йўллари қўмитаси, Транспорт вазирлиги
33.	Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорликда А-373 “Тошкент-Ўш” автомобиль йўлининг “Қамчиқ” довонидан ўтган 100 км қисмида интеллектуал транспорт тизимини жорий этиш.	2024–2025 йиллар	Автомобиль йўллари қўмитаси, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги
34.	Автомобиль йўллари қўмитасининг коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирларнинг самарадорлиги рейтингдаги ўрнини яхшилаш бўйича аниқ чораларни кўриш.	2024–2025 йиллар	Автомобиль йўллари қўмитаси, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги
VII. Йўл хўжалиги соҳасига оид норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш ва бошқа тадбирлар			
35.	Йўл хўжалиги соҳасидаги ислохотларни амалга оширилишини самарали ташкил этиш ҳамда мувофиқлаштириш мақсадида Автомобиль йўллари қўмитаси таркибида Лойиҳа офисини ташкил қилиш . Бунда Лойиҳа офиси фаолиятини ташкил этишда халқаро молия институтлари билан ҳамкорлик қилиш ва грант маблағларини жалб қилиш чораларини кўриш ҳамда Автомобиль йўллари қўмитаси фаолиятини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағларидан молиялаштириш.	2023 йил декабрь	Транспорт вазирлиги, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Автомобиль йўллари қўмитаси
36.	Автомобиль йўллари соҳасига оид қонунчилик ҳужжатларини умумлаштириб, соҳага оид тушунчалар ва атамаларни халқаро амалиёт ва меъёрларга мувофиқлаштириш, автомобиль йўлларини бошқариш тизимини такомиллаштиришни назарда tutувчи янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг “Автомобиль йўллари тўғрисида”ги Қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш. Бунда, пуллик автомобиль йўллари билан боғлиқ масалалар, жумладан йўл ҳақини ундириш, сақлаш ва эксплуатация қилишни молиялаштириш, қурилиш ва реконструкция қилиш, шунингдек, пуллик йўлларда ва уларнинг участкаларида назоратни амалга ошириш билан боғлиқ масалаларнинг ҳуқуқий асосларини назарда tutиш.	2024 йил август	Транспорт вазирлиги, Автомобиль йўллари қўмитаси, манфаатдор вазирлик ва идоралар
37.	Янги таҳрирдаги Автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва сақлаш ишлари таснифини ишлаб чиқиш .	2023 йил декабрь	Транспорт вазирлиги, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Автомобиль йўллари қўмитаси

38.	Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари, шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктлари кўчалари ва сунъий иншоотларни қуриш ҳамда реконструкция қилиш ишлари тугалланган объектларнинг асосий конструктив элементлари ва қопламалари бўйича кафолатли хизмат қилиш муддатларини қўллаш тартибини ишлаб чиқиш.	2023 йил декабрь	Автомобиль йўллари қўмитаси, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Транспорт вазирлиги
39.	Пудрат ишларини ҳажм кўрсаткичларига ўтказиш ва техник спецификациялар ишлаб чиқиш орқали лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш, йўл қурилиш ишларини амалга ошириш, шунингдек, уларни қабул қилиб олишда ҳажм ва сифат кўрсаткичларини ҳисобга олиш (ҳажм усули) тартибини ишлаб чиқиш.	2023 йил декабрь	Транспорт вазирлиги, Автомобиль йўллари қўмитаси, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги
40.	Шаҳар ва бошқа аҳоли пунктлари ҳудудларининг ўзгаришини инobatга олиб, Ўзбекистон Республикасининг умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари рўйхатини қайтадан ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	2023 йил декабрь	Транспорт вазирлиги, Автомобиль йўллари қўмитаси
41.	Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларининг йўл бўйи минтақасидаги ер участкаларида ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, савдо, сервис объектлари, шунингдек, тадбиркорлик фаолияти учун бошқа объектларни жойлаштириш ва қуришга рухсат (техник шартлар) беришда йиғим жорий қилиш тартибини ишлаб чиқиш.	2023 йил декабрь	Транспорт вазирлиги, Автомобиль йўллари қўмитаси
42.	Автомобиль йўлларининг ўзоқ муддат хизмат қилишини таъминлаш учун оғир вазнли транспорт воситалари ҳаракатини тартибга солишни назарда тутувчи қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш. Бунда: умумий массаси (юк билан) 44 тоннадан ортиқ бўлган “N3” ва “O4” тоифадаги махсус транспорт воситалари ҳамда очиқ конларда (карьер) ишловчи самосвалларни алоҳида давлат рақами, техник паспортини ва ягона электрон тизимида рўйхатга олишни жорий қилиш; катта ҳажмли ва оғир вазнли автотранспорт воситаларининг умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларида ҳаракатланиш ва юк ташиш қоидалари; автомобиль йўлларида йилнинг ҳаво ҳарорати иссиқ бўлган даврларида юк ташувчи транспорт воситалари ва автопоезд (тиркама)ларнинг (махсус транспорт воситаларидан ташқари) ҳаракатланишини чеклаш тартиби; маҳаллий юк ташувчиларга меъёрдан ортиқ оғир вазнли ва катта ҳажмли транспорт воситаларининг умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари бўйлаб ҳаракатланишига тўловларни амалга оширган ҳолда рухсат бериш тартиби; катта ҳажмли ва оғир вазнли автотранспорт воситаларининг умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларида ҳаракатланиш ва юк ташиш қоидаларини	2023 йил декабрь	Транспорт вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Божхона қўмитаси, Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги, Автомобиль йўллари қўмитаси

	бўзганлик натижасида етказилган зарарни қоплаш учун тўловлар жорий этиш ва ундириш тартибини назарда тутиш.		
43.	Автомобиль йўллари қўмитаси таркибидаги “Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш дирекцияси”, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри минтақавий йўлларга буюртмачи хизматларини сақлаш харажатларининг миқдорини буюртмачи функциялари олиб борилаётган объектларнинг қурилиш ва таъмирлаш ишлари қийматидан 5 фоиз миқдорида белгилаш ҳамда буюртмачи ташкилотларни сақлаш харажатларидан қолган қисмини Автомобиль йўллари қўмитаси фаолиятини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармасига йўналтириш.	2023 йил ноябрь	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Транспорт вазирлиги, Автомобиль йўллари қўмитаси
44.	Маҳаллий пудратчилар халқаро тендер савдоларида якка ёки консорциум ташкил этган ҳолда иштирок этганда уларга нисбатан преференциялар қўллашни жорий қилиш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2023 йил октябрь	Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги
45.	Автомобиль йўллари қўмитасининг марказий аппарати тузилмасига раиснинг йўл хўжалиги соҳасига илғор хорижий тажрибаларни татбиқ этиш ва рақамлаштириш масалалари бўйича ўринбосари лавозимини киритиш ҳамда соҳага илғор хорижий тажрибаларни татбиқ этиш бўйича тегишли бошқарма ташкил этиш. Бунда, Автомобиль йўллари қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари тиббий хизмат кўрсатиш шартларига кўра вазирнинг биринчи ўринбосарига ва ўринбосарларига тенглаштирилади.	2023 йил октябрдан бошлаб	Автомобиль йўллари қўмитаси, Президент Администрацияси ҳузуридаги Тиббиёт бош бошқармаси
46.	Йўл хўжалиги соҳасида кўп йиллардан бўён ишлаб келаётган ишчи-хизматчиларни моддий қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш , жумладан уларни ва оила аъзоларини тиббий хизмат бўйича харажатларини қисман қоплаш, шунингдек, ишчи-хизматчиларни ўй-жой билан таъминлаш, ҳусусан Автомобиль йўллари қўмитаси корхона ва ташкилотларининг бўш турган ер майдонларида ижтимоий объектларни ва ўй-жойларни давлат-хусусий шериклик тамойиллари асосида қуриш бўйича тегишли тартибни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2024 йил март	Транспорт вазирлиги, Автомобиль йўллари қўмитаси
47.	Автомобиль йўлларини эксплуатация қилиш, қурилиш ва таъмирлаш ишларини амалга оширишда Автомобиль йўллари қўмитаси таркибидаги корхона ва ташкилотларга махсус ҳисоб рақамлари орқали молиялаштириш тартибини жорий этиш.	2024 йил январь	Автомобиль йўллари қўмитаси, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги
48.	Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Транспорт назорати инспекцияси Ички ишлар вазирлигининг Жамоат хавфсизлиги департаментининг Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати билан ҳамкорликда юк автомобилларининг вазн ва ҳажм параметрларини	2023 йилдан октябрдан бошлаб	Транспорт вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаментининг

	назорат қилиш мақсадида республиканинг ҳар бир ҳудудида бир ойда икки мартадан кам бўлмаган тезкор назорат тадбирлари ўтказилишини таъминлаш.		Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати
49.	Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда давлат-хусусий шериклик тамойили асосида йўл қурилиши материаллари ва конструкцияларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш.	2024 йил 1 январдан бошлаб	Автомобиль йўллари қўмитаси, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги
50.	Халқаро тендер савдоларида фаол иштирок этиш учун йўл хўжалиги соҳасида йирик йўл қурилиш компанияларини ташкил этиш чораларини кўриш.	2024 йил 1 январдан бошлаб	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Автомобиль йўллари қўмитаси
51.	Ўзбекистон Республикасининг “2024 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунини ишлаб чиқишда Автомобиль йўллари қўмитаси фаолиятини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармасига қўшимча тушумларни жорий этиш.	2023 йил декабрь	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Транспорт вазирлиги, Автомобиль йўллари қўмитаси
